

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

НАҚІҚАТІ

2025-yil 18-iyun / CHORSHANBA / № 43 (13804)

БЕКОВОД: ЯНГИЛАНИШЛАР ЧОРРАҲАСИ



Обод манзиллар

Аввал хабар қилганимиздек, аҳоли муаммоларини тизимли ўрганиш ва ҳал этиш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, шунингдек, мигрантлар билан манзилли ишлаш каби йўналишларда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Республика ишчи гуруҳи ўз фаолиятини бошлади. Ишчи гуруҳ томонидан, хусусан, Бекобод тумани маҳаллаларида аҳоли билан очиқ мулоқотлар ташкил этилиб, муаммолар жойида ўрганилмоқда. Айниқса, ишсиз фуқаролар рўйхати шакллантирилиб, уларни касб-хунарга ўқитиш ва ишга жойлаштириш бўйича қатор чоралар кўрилмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатилиб, микробизнесни ривожлантириш учун зарур шароитлар яратилмоқда. Хорижда меҳнат қилаётган фуқаролар ва уларнинг оилалари билан тизимли ишлар йўлга қўйилмоқда. Бир сўз билан айтганда, юқоридаги масалаларни ҳал қилиш орқали туман аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсад қилинган.

2



Viloyat bo'ylab

PARKENTdagi «Ugom-Chotqol» qo'riqxonasi hududida yiliga 20 ming sayyohni qabul qiladigan turistik majmua ochiladi. Mazkur loyiha nafaqat tabiatni sevuvcilar, balki milliy madaniyat va gastronomiyani qadrllovchilar uchun diqqatga sazovor manzil bo'ladi. Xususan, bu yerda zamonaviy mehmonxona, milliy taomlar restorani, shuningdek, qadimiy Markaziy Osiyo an'analarini aks ettirgan, biroq zamonaviy qulayliklarga ega o'tovlar quriladi.

BEKOBOD shahar "Ideal Kommunal boshqaruv kompaniyasi" tomonidan amalga oshirilayotgan obodonlashtirish ishlari doirasida Al-Xorazmiy mahallasidagi 16 ta ko'p qavatli uylarga tegishli hudud tozalandi. Fuqarolar uchun qulay infratuzilmani ta'minlashga qaratilgan bu kabi tadbirlar yil bo'yi davom ettirishga kelishib olindi.

Toshkent viloyati FVB mas'ul xodimlari tomonidan hamkor tashkilotlar bilan birgalikda BO`STONLIQ tuman hududidagi plyaj zonalarida dam oluvchilarning xavfsizligini ta'minlash, kichik hajmli kemalardan xavfsiz foydalanish holati bo'yicha o'rganish ishlari olib borildi. Nazorat tadbirlarida aniqlangan kamchiliklarni o'z vaqtida bartaraf etish yuzasidan mas'ullarga tegishli ko'rsatmalar berildi.

ZANGIOTA tumani 1-sonli sport maktabida boks bo'yicha "Yangi O'zbekiston Olimpiya cho'qqilari" musobaqasining mintaqaviy bosqichi start oldi. Unda Zangiota, Chinoz, Yangiyo'l, Quyi Chirchiq, Toshkent tumani hamda Yangiyo'l shahridan kelgan 15-17 yosh toifasidagi o'g'il va qiz bolalar 13 vazn toifasida bahs olib boradilar.

OQQO'RG'ON tumanida respublika ishchi guruhi boshchiligida hamda tegishli mas'ullar ishtirokida sayyor qabul o'tkazildi. Qabul davomida 20 dan ortiq murojaatchilarning sog'liqni saqlash, bandlik, moddiy yordam, kommunal va infrastruktura bilan bog'liq masalalari ko'tarilib, mas'ullar tomonidan amaliy yordam ko'rsatildi hamda muddat talab etiladiganlari nazoratga olindi.



Долзарб мавзу

Ёз қувончлари... азага айланмасин

Ёзнинг иссиқ кунлари бошланди дегунча салқин жойлар, чўмилиш ҳавзаларига бўлган эҳтиёж ортади. Она табиат бағрида мароқли ҳордиқ чиқариб асабларни тинчлантириш, тоза ҳаводан тўйиб нафас олиш, зилот сувда чўмилиб, салқинлашга нима етсин? Аммо афсуски, айрим ҳолларда бу каби дам олишлар қимматга тушиши ҳам мумкин.

Хусусан, жорий йилнинг 14 июнь куни Паркент туманида бир гуруҳ мактаб ўқувчилари "Паркентсой"нинг тубида ҳосил бўлган қўлмакка чўмилиш мақсадида боришади. Афсуски, улардан уч нафари нобуд бўлади...

2

ТИНЧЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Тошкент вилоятида ички ишлар органларида самарали хизмат қилаётган бир гуруҳ ходимларни муносиб рағбатлантириш мақсадида тантанали тадбир ташкил этилди, дея хабар беради Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати.



Эътибор

Унда хизмат вазифаларини сидқиқидан адо этиб, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда фаоллик кўрсатган Йул ҳаракати

хавфсизлиги, Патруль-пост хизмати ва Қўриқлаш бўлинималарида хизмат қилиб келаётган фидойи ходимлар пул мукофоти ва ташаккурнома билан тақдирланишди. Шунингдек, ички ишлар орган-

лари фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида, жами 20 та "Cobalt" русумли хизмат автомашиналари патруль-пост хизмати бўлинималарига топширилди. Тадбир давомида Тошкент ви-

лояти прокурори Азамат Мирзаев ва вилоят ИИББ бошлиғи Тоҳир Арипов сўзга чиқиб, ходимларни мукофотлар билан табриқлаб, уларнинг келгуси фаолиятларига омад тилади.



Санъат

НУРАФШОНДА ҚОЙИЛМАҚОМ КЕЧА



Нурафшон шаҳридаги "Ватанпарвар" боғида "Мақомни биргаликда қуйлаймиз" номи бадиий-музика кеча ўтказилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги, вилоят маданият бошқармаси, Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилоят бўлими, Республика Маънавият ва маърифат марказининг вилоят бўлими ҳамда Нурафшон шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев, вилоятда фаолият юритаётган бошқарма ва ташкилот вакиллари ҳамда жамоат фаоллари иштирок этишди.

4



ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Қонун ва ижро



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2024 йил 16 апрелдаги тегишли қарорига асосан, 2024 – 2025 йилги иситиш мавсуми (ноябрь – февраль) да аҳолини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилган эди.

2

Дастлаб, ишчи гуруҳ аъзолари тумани ҳокими, масъул ташкилот раҳбарлари билан биргаликда энг оғир ҳудудларда бўлиши. "Пахтакор" ва "Деҳқонбод" маҳалласида фаолият олиб бораётган "маҳалла еттичилиги" билан учрашиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли ва уни яхшилашга қаратилган истиқболли режалар юзасидан суҳбатлашиши. Бундан ташқари, "Зиёли" маҳалласида "Обод хонадондан обод маҳаллагача" шиори остида олиб борилган ишлар, шунингдек, "Янгиовул", "Қўқони", "Қуштамғали", "Шова", "Найман", "Уяо" ва "Ачамайли" маҳаллаларида истиқомат қилувчи 40 минг аҳолини туман маркази билан боғлаш, уларга қулайликлар яратиш мақсадида Сирдарё устидан ўтувчи 198 метр узунликда янги кўприк қурилиши жараёни билан яқиндан танишиши.

МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ҲАҚИҚАТИ

Қулай шароит меҳнат унвондорлигини ошириб, эртанги кун истиқболли туртки бўлади. "Қўқони" маҳалласининг ташкил топганига қарийб 28 йил ўтган бўлсада, шу кунгача ўз биносига эга эмасди.

– Уч йилдан буён мазкур маҳаллада ишлаётган, – дейди маҳалла раиси Очил Тоиров. – Маҳалламиз туман марказидан 35 км. узоқда жойлашган бўлиб, 776 та хонадондан 4,5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шу кунларда маҳалла биноси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилиш арафасида. Маҳалламиз қишлоқ ҳўжалигига ихтисослашган. Одамлар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишади. Жорий йил маҳалламиз учун омадли келди. Бир вақтлар Баҳор ҳамда Мевазор кўчаларимизга оқова сув етиб бормасди. Табиийки, томорқадан фойдаланиш амри маҳол эди. Яқинда "Қамбағалликдан – фаровонлик сари" давлат дастури асосида артизан қувури ўрнатилиб, муаммо бартараф этилди. Айни кунда маҳаллага 163 донга бетон таянчлар, 5 км. сым кабелъ ҳамда қуввати 250 кВт. бўлган 2 донга трансформатор келтирилиб, ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

"Янгиовул" маҳалла раиси Тоиржон Бердиевнинг ҳам қунонанича бор. Унинг таъкидлашича, шу кунгача бу маҳалланинг биноси бўлмаган. Маҳалла фаоллари ҳали у, ҳали бу

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ерда ижарада туриб фаолият юритишган. Энди эса маҳалла биносининг қуриб битирилиши "маҳалла еттичилиги"нинг сарсонгарчиликларига чек қўяди. Замонавий бино қурилишига бош-қош бўлаётган туман ҳокимидан барча миннатдор. Мазкур маҳаллада ҳам чорвачилик, деҳқончилик тармоқлари кенг ривожланган. Ҳудуддаги 515 та хонадон тўлиқ ичимлик суви билан таъминланиш арафасида. Ёшларнинг бўш вақти йўқ. Шундан бўлса керак, 3 йилдан бери маҳалла ёшлари ДХХ кубогининг туман, вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритиб келишмоқда.

да қоровуллик қиламан, – дейди Абдуқаҳҳор Абдуғаниев. – Мендан олдин раҳматли дадам бу ерларни обод қилиб, боғу-роғлар яратган эди. Афсуски, сувсизликдан дараклар қуриди. Шу тўғайли, қабристон жуда хароб аҳволга келди. Кўпчилигининг ошида тўйим, ишида ҳам унум бўлиши рост экан. Ҳозир қўриб турганингиздек сув чиқарилди, қайтадан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Қирғил ва дўнгликлар текисланиб, замонавий тилда қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бунда тадбиркор Раъван Аҳоров каби ҳомиёларнинг ҳиссаси катта.

топилмалар орқали мазкур туманда Тетис денгизи бўлгани, 2 миллион йилга тенгдош чиганоқ топилмалари нафақат бизни, қолаверса, барчани қизиқтириши табиий.

Энг муҳими, эконатлар оқдйи шароитда ҳам эҳтиёткорлик билан сақланаётгани кўпчиликини таажублантириши

шифокорлар ва тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига йўналтиришиди.

– Турмуш ўртоғим Жумабой Умматов икки йил аввал инсультни бошдан кечирди, – дейди Олия Умматова. – Учрашувга Реабилитация марказида даволатиш масаласида маслаҳат

тунги ёриткичлар ўрнатиш, оилавий низолар, саломатлиқни тиклаш, ичимлик суви тортиш, кадастр ва ер муаммолари ҳамда ишга жойлаштириш каби масалалари кўтарилди.

Шунингдек, мутасаддилар томонидан ҳар бир муурожаати ижобий ҳал этиш учун тегишли чоралар кўрилди, аксарияти шу жойиниқ Умида ечим топди. Айрим масалаларни ҳал қилиш учун мuddат белгиланиб, ижроси назоратга олинди.

Дарвоқе, туман миқёсида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечириш асосида қишлоқ ҳўжалигига қуёш энергиясидан самарали фойдаланилаётганига гувоҳ бўлдик.

Масалан, "Шоликор" маҳалласида жойлашган "Марзияхон агро" фермер ҳўжалиги экин майдонлари учун қуёш панеллари ўрнатилган. Ҳўжалик раҳбари Абдуманнон Абдуллаевнинг таъкидлашича, авваллари ҳўжалик ҳисобидан ойига 9-10 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 30-40 фоизга камайган. "Дўстлик" маҳалласидаги чорвачиликка ихтисослаштирилган "Бекназаров Достон" фермер ҳўжалиги экин майдонлари ёмғирлиги сўғуришга мослаштирилган. Айни вақтда 80 кВт. қуёш энергиясининг 50 кВт.дангина фойдаланилмоқда. Қолган 30 кВт. давлатга сотилмоқда. Бу эса янги имкониятлар эшигини очмоқда.

"КАШТАЛАР ЖИЛОСИ"

Кейинги манзилли туманнинг чечка ҳудуди – "Ачамайли" маҳалласи бўлди. Мазкур маҳаллада ўзбек миллий аънавалари бардавом. Бу ерда "Кашталар жилоси" номли каштачилик ва миллий хўнарамдчилик маҳсулотлари кўрғазма-фестивали ўтказилди. Аънавий ва замонавий миллий либослар, нафис каштадўзлик маҳсулотлари, безакбон буюмлар ҳамда маҳаллий усталарнинг қўл меҳнати намуналари намойиш этилди. Бу тадбир миллий кадрларимизни тарбия қилиш, каштачилик ва хўнарамдчилик санъатини ёшлар орасида оммалаштиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, кашталардек рангбаранглик акс этган Бекобод тумани бугун янгилинишлар чорраҳасида турибди.

Бу чорраҳада одамларнинг эртанги фарован ҳаёти учун фақат яшил чироклар ёнапти...

Нигора ҲОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Бекобод тумани ҳокимилиги
Ахборот хизмати олан суратлар

БЕКОВОД: ЯНГИЛАНИШЛАР ЧОРРАҲАСИ

ЎТГАНЛАР ҲАҚИДА – БАҲАЁТ

Кейинги манзил "Қуштамғали" маҳалласи бўлди. Бу ерда 5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Узоқ ўтмишга эга мазкур ҳудуд Сирдарё вилояти билан қўшни. Очиги, маҳалла ҳамжиҳатлиги тўғайли доим хайрли ишлар амалга оширилган. Бироқ, яқинда маҳаллага раис этиб сайланган Гулчехра Ризқуллова ўзгача ташаббус билан чиқди. У маҳалла ҳудудидаги қабристонни ободонлаштириш масаласини қўйди. Қарийб 4 асрга тенгдош қабристон ҳудуди катта бўлганлиги сабабли, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида муаммолар бор эди. Ҳомиёлар ва аҳоли

БЕКОВОДНИНГ ТАШРИФ ҚОҶОСИ

Уй музейлари ҳақида кўп ва ҳўп эшитганмиз. Аммо боғишамоллик Даврон Жўраев хонадонидан ташкил этилган уй музейи тасаввурингизни янада бойитди. Бугун мазкур хонадон нафақат маҳаллий, балки хоржий меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Масалан, Туркиянинг "РТР АВА3" телеканали журналистлари уй музейида туман ҳудудидан топилган қадимий буюмлар, осори-атиқалар, ўзбек миллий либосларини катта қизиқиш билан томоша қилишганига гувоҳ бўлдик.

– Айни пайтда жамоамиз билан

табиий. Албатта, бу каби ноёб буюмлар махсус бино ва шароитда сақланса, мақсада мувофиқ бўларди.

ЭЪТИБОРДАН ДИЛЛАР ШОД

Республика ишчи гуруҳи ва туман ҳокимлиги ташаббуси билан туманнинг олис ҳудуди ҳисобланган "Янгиовул" маҳалласида жойлашган 5-Оилавий поликлиникада 50 дан ортиқ оғир касалликларга чалинган ва ногиронлик белгиланган юзасидан муаммоларга дуч келаётган фуқаролар билан учрашув ташкил қилинди. Унда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси ва

сўраб келгандим. Мутахассислар томонидан ногиронлик белгиланиб, ногиронлик аравачаси ҳамда моддий кўмак бериладиган бўлди.

"СИЗ КЕЛМАНГ, БИЗ БОРАМИЗ"

Аҳоли муаммоларини манзилли ўрганиш мақсадида "Қорақўйли" маҳалласида ҳам фуқаролар билан навбатдаги очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда фуқаролар ўз муаммолари билан Республика ишчи гуруҳи аъзолари, Бекобод тумани ҳокими Зайнилобиддин Низомиддинов, туман прокурори, туман ИИБ бошлиғи,



имкониятларидан келиб чиқиб, мазкур кетамжого бугун сув қувури тортилиб, бетон таянчлар ўрнатилмоқда.

– 20 йилдан бери шу қабристон-



"Далварзинтепа" тўғрисида ҳужжатли фильм ишлапимиз, – дейди турк телеканали продюсери ёрдмчиси Моҳунур Аҳмедова. – Уй музейидаги



туман "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази масъуллари фуқароларнинг муаммолари юзасидан уларга ҳўқуқий тушунчалар бериб, ҳудудий



туман солиқ идораси раҳбари ҳамда мутасадди ташкилот вакиллари муурожаат қилишди. Унда фуқароларнинг электр симёғочларни янгилаш,

ЭЪТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

– Бу борада жойларда аҳолига зарур ижтимоий ёрдмлар кўрсатиш борасида иш олиб борилди, – дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси раҳбари Мирзиз Мирсултонов. – Хусусан, 62,1 мингга оилага 16,8 миллиард сўм миқдорда бир марталик моддий ёрдм тўлаб берилди. Биргина электр ва табиий газдан базавий метр ёрдм ортқича фойдаланган 18,7 минг оилага 4 миллиард сўм миқдорда компенсация тўловлари амалга оширилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2025 йил 2 апрелдаги "Ёқили-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишда эҳтиёманд аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбир-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

лари тўғрисида"ги Қарори бўйича эҳтиёманд оилаларни янада кенг қўллаб-қувватлаш мақсадида газ ва электр энергияси учун компенсация олувчиларни рўйхатга олиш жараёни бошланган. Ҳозирги кунга келиб, фақатгина Тошкент вилоятининг ўзида 40 минг нафардан ортиқ фуқаро рўйхатдан ўтган.

Ўрта Чирчиқ тумани "Янгилик" маҳалласида яшовчи Бибигул Наримбетова 2-гуруҳ ногиронлиги бор шахслар рўйхатида туради, кам таъминланган ва ёлғиз аёл. Унинг тарбиясида бир нафар вояга етмаган фарзанди бор.

– Оиламиздаги ягона даромад ногиронлик пенсияси ва болам учун тайинланган нафақа. Ўша шароитим оғир. Шу тўғайли "Қамбағаллик реестри"га киритилганман. 2024 йил киш мавсумида газ

ва электр энергияси бўйича давлат ёрдами асосида ариза топшириб, компенсация олдим. Бу йил ҳам Президентимиз қарорлари доирасида ариза қабул қилинди. Давлатимизнинг бундай эътиборидан жуда миннатдорман, – дейди Б.Наримбетова.

Мазкур тумандаги "Ўртаовул" маҳалласида яшовчи Нодира Эртаева ва турмуш ўртоғи Бекзод Эртаев ҳам ижтимоий ҳимояга мўтож оилалардан. Оилада уч нафар фарзанд бор. Турмуш ўртоғи Б.Эртаев яқинда беги сингани сабабли ишлаш имконидан маҳрум бўлган.

– Оилавий ҳолатимиз жуда

оғир. "Қамбағаллик реестри"га киритилганимиз ҳам шундан эди, аслида. Болалар нафақасини олгандик, лекин, ҳозир унинг мuddати тугаган. Давлат томонидан кўрсатилаётган компенсация биз учун жуда катта ёрдм бўлди, – дейди Нодира Эртаева.

Оила тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилган. Қизлари Мадина ва

Маликада бурун қисмининг шимшаси аниқланиб, жароҳлик амалиёти учун ордер олинди. Тез орада уларнинг саломатлигини тиклаш чоралари кўрилади. Бу оила йил давомида газ ва электр энергияси бўйича компенсация олиш учун рўйхатга киритилди.

Умуман олганда, давлат томонидан жорий этилган ушбу ижтимоий дастур нафақат аҳолининг энергия харажатларини қоплаш, балки уларнинг соғлигини асраш, фарзандларини таълим ва тарбия учун жалб қилишга хизмат қилмоқда. Бу эса ижтимоий адолат тамойилининг амалдаги ёрқин намунасидир.

Абдулазиз МУСАЕВ

Дастлабки ўрганишлар давомида мутасадди ташкилотлар томонидан ушбу каналдаги сув оқим бўйлаб ҳосил бўлган, чуқурлиги тахминан 2 метрни ташкил этган сув ҳавзасида тақидловчи белгилар ўрнатилганлиги, аҳоли ўртасида тушунтириш



ишлари етарли даражада олиб борилмаганлиги, сунъий ташкил топган сув ҳавзасини бартараф этиш чоралари кўрилмаганлиги аниқланган. Ҳозирда мазкур ҳолат бўйича Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Аслида, бу каби хабарлар жамият учун янглик бўлмай қолди. Биргина жорий йилнинг май ойини оладиган бўлса, дастлаб, 5 май кунги Бурижар каналда икки нафар қизалоқни қўқараман деб бир инсоннинг ҳалок бўлгани, 18 май кунги Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги "Дўстлик" каналда 14 ёшли ўсмининг, 24 май кунги эса, Самарқанд вилоятида "Сўнги кўнроқ" тадбирларидан сўнг чўмилишга борган уч

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

нафар боланинг чўкиб кетгани ҳақидаги хабарлар билан "ёйда қолди".

Хўш, нега бундай бўлмоқда? Кўнгилисиз ҳолатларнинг асл сабаби ким ёки нима?

Энг аввало, бунга илк сабаб қилиб жойларда фуқароларнинг чўмилиш тартиб-қоидаларига амал қилмасликларини, дарё, канал

ча барча ёшу қари сувли манзиллар томон ошиқини табиий. Бироқ, чўмилиш ман этилган айрим сузиш ҳавзалари, каналларда тақидловчи белгилардан асар ҳам йўқ. "Паркентлоғи"даги муҳдис воқеага ҳам шундай омил сабаб эмасми?

Бундан ташқари, болалар билан куза-

ЁЗ ҚУВОНЧЛАРИ... АЗАГА АЙЛАНМАСИН

қўллар, бошқа сув ҳавзаларида тақидловчи белгилар – «Хавфли!», «Чўмилиш тақидланади!» сўзлари ёзилган белгилар ўрнатилган жойларда чўмилишларини кўрсатиш мумкин.

Тўғри, сузиш инсон саломатлиги учун жуда фойдали. Мутахассислар ҳам мунтазам сузиш машғулотлари ораюни бақувват қилиб, юрак-қон томир касалликларини хавфини 41 фоизга камайтиришини, кўп миқдордаги калорияларни йўқотишга ёрдм бериб, мияни зарарлардан ҳимоя қилишини таъкидлашган. Бироқ, тангнинг икки томони бўлгани каби, анҳор ёки каналларда чўмилишда эҳтиётсизлик қилиш умрининг "оқиб" кетишига сабаб бўлиши ҳам ҳеч гап эмас.

Иккинчи сабаб – масъул ташкилотлар ходимларининг ўз вазифасига совуққон муносабатда бўлиши. Ёз фасли келди дегун-

тилаётган чўкиш ҳолатларига катталар, аиникса, ота-оналарнинг эътиборсизлиги ҳам сабаб бўлаётгани аини ҳақиқат. Бугун, аксарият ота-она таътилга чиққан фарзандининг мароқли хордик олиши учун унинг хоҳишларига қарши чиқмайди. Шундай ота-оналар борки, фарзанди қаерда, ким билан, нима қилапти – асло иши йўқ. Тагин атрофдагилари "Фарзандингизга сал эътиборлироқ бўлинг" дегудек бўлса, "Болани сиқувга олиш унинг келажақда мустакил фикрлайдиган одам бўлишига халал қўлади", дея тезкор жавоб қайтариб, ўзини оқлайди. Аслида, болалар билан содир бўлаётган ҳар қандай ноҳус ҳолатларга энг катта айбдор – эътиборсиз ота-она.

Ушбу фожиали ҳолатлар фониди Болалар Омбудсмани республиканинг ҳар бир ҳудудида болаларни чўмилтириш учун ка-

ташкил этишга ёрдм беради.

Дарвоқе, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Долзарб 90 кун" ташаббуси замирида ҳам шу каби ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун шароит яратиш мақсадлари ётган эди. Бугун мазкур лойиҳа доирасида мактабларда соғломлаштириш майдончалари, турли тўғараклар фаолият олиб бормоқда. У ерда болалар нафақат ўйнаб-қулишлари учун, балки қизиққан машғулотлари билан шуғулланишлари учун ҳам барча қулайликлар яратилган. Бироқ, биргина ходимларнинг эътибори ва назорати болалар учун етарли бўлмастлиги мумкин. Бунинг учун, ота-оналар, катталар ҳам эътиборлироқ бўлишлари лозим.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Тақдимот

ДУНЁ ЭШИКЛАРИН ОЧГУВЧИ КАЛИТ...



Катта-кичик минбарларда ёшларнинг китоб ўқимай қўйганлиги ҳақидаги фикрлар кўп айтаилади. Кимдир бунга фарзандларимизнинг турли гаджетлар исканжасига тушиб қолганлиги, бошқа биров эса ҳозирги асарларнинг ўқилиш эмаслиги, қолаверса, аҳоли орасида китоб тарғиботи кўнгилдагидек олиб борилмаётганлигини сабаб қилиб кўрсатади. Бир жиҳатдан улар ҳақ. Аммо беш қўл баравар эмас деганларидек, китобни қадрлайдиган, мутлола орқали дунё эшикларини очётганлар ҳам талай...

Яқинда Пискент тумани Нурунийлар масканида ташкил этилган "Барҳаёт сиймолар – умри ибратга тўла пискентлик инсонлар ҳаётидан лавҳалар" номли китоб тақдимотида иштирок этганлар бунга яна бир бор амин бўлишди.

"Нуруний" жамғармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Журналистлар уюшмасининг Тошкент вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган маърифий тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари Пўлат Бобононов, Пискент тумани ҳокими Музаффар Арипов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Пискент туманидаги ташкилот ва муассаса раҳбарлари, меҳнат фахрийлари, ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

– "Муҳаррир нашриёти" томонидан чоп этилган ушбу китоб "Нуруний" жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси Абдусамид Носировнинг ташаббуси, Пискент тумани ҳокимининг моддий кўмаги, пискентлик журналистлар ва бир қатор эиёкорларнинг беғараз ёрдами билан дунёга келди, – деди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Раҳматилла Шералиев. – Бу рисола туманда яшаб, эл-юрт равнақи йўлида фидойиллик билан меҳнат қилган 60 нафар пискентликлар ҳақидаги ибратли мактаблардан жамланган. Ўйлаймизки, китобга киритилган инсонларнинг босиб ўтган шонли ҳаёт йўллари бугунги навқирон ўғил-қизларга ибрат ва маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.

– Хайрли ишимизни пискентлик ҳамюртларимиз билан бошладик, – деди Абдусамид Носиров. – Эндиликда вилоятимизнинг бошқа барча туман ва шаҳарларида яшаб ўтган фидойи инсонлар ҳақида ҳам ана шундай рисолалар чоп этиришни мақсад қилганмиз.

Ўз мухбиримиз
Жалолдин ЭСОНОВ олан сурат

Навободда уч авлод дийдори

Маълумки, ҳудудларда ташкил этилаётган "Уч авлод учрашуви"лари ёшларга маънавий озуқа бериш билан бир қаторда, улар ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлашга хизмат қилмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири Бўка туманидаги "Навобод" маҳалласида жойлашган 9-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди.

Учрашув

Унга туман "Нуронийлар" бўлими масъуллари, маҳалла фаоллари, "Кексалар маслаҳати гуруҳи" аъзолари ташриф буюришди. Нуронийлар ўзларининг бой ҳаётий тажрибалари билан ёшларга муҳим маънавий-ахлоқий сабақлар беришди.

Учрашув давомида фахрийлар ўқувчилар билан ўзаро фикр алмашиб, жамият ривожига ҳар бир авлоднинг роли ва масъулияти бўлиши ҳақида мулоҳаза юритишди.

— Уч авлод учрашуви — бу нафақат ёшлар учун, балки барча авлод вакил-

лари учун катта маънавий қўллаб-қувватловдир, — дейди вилоят Тожик миллий маданият маркази раҳбари Саърон Мирзаев. — Бу ерда истиқомат қилувчиларнинг кўп қисми тожик миллатига мансуб. Учрашувдан асосий мақсад ҳам қандайдир, қариндош-уруғ бўлган турли миллат вакилларининг ҳаёт тажрибаси ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббатини ёшларга намойиш этишдан иборат. Уларнинг келажаги учун бундай учрашувлар жуда муҳимдир.

Тадбирда маҳалла хотин-қизлари томонидан миллий либослар, суза-



на-ю, кашталар ва миллий таомлар кўргазмаси намойиш этилди. Мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган тожик миллий рақс ва куй-қўшиқлар барчага хушқайфият улашди. Шундан сўнг жорий йилнинг май ойида "Ибратли оила" кўкрак нишони билан тақдирланган шу маҳаллалик Зулай-хо ая Рабиеванинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Ушбу учрашув ёшлар, ўрта ва кекса авлод вакилларининг бой ҳаёт мактаби ҳамда қимматли тажрибасини бирлаштирди, десак муболаға бўлмайди.

Нигора УРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

СПОРТ янгиликлари

Чирчиқ спорт мактаби мураббийи — энг зўри!

Хитой Тайпейда дзюдо бўйича Бунжаҳон мастерлар ўйинлари (World masters games) бўлиб ўтди.

Аҳамиятlisi, мазкур нуфузли халқаро мусобақада иштирок этган ҳамюртимиз, Чирчиқ шаҳар спорт мактаби дзюдо бўлими мураббийи Аваз Қорганов 90 кг. вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медални кўлга киритди.

Маълумот учун, Аваз Қорганов 2024 йил ноябрь ойида АҚШнинг Лас-Вегас шаҳри мезбонлик қилган дзюдо бўйича фахрийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳам 90 кг. вазн тоифасида италиялик, бразилиялик, АҚШ ҳамда франциялик курашчиларни енгиб, финалга қадар етиб борган, яқунда кумуш медал соҳибига айланган.



Эшак шувчиларимиз қитъада тенгсиз

Таиланднинг Паттаг шаҳрида байдарка ва каноэда эшак шувчи бўйича 18 ва 23 ёшли спортчилар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилди.

Қитъанинг энг иқтидорли ёшларини ўзида жамлаган мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Байдарка ва каноэчиларимиз яқунда 17 та олтин, 11 та кумуш, 6 та бронза, жами 34 та медал билан ҳар икки йўналишда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.



Маҳмуд Муродов чемпионлик камари соҳиб

Чехиянинг Прага шаҳрида ММА бўйича Oktagon 72 турнири ташкил этилди.

Мазкур турнирнинг со-main event жангида ҳамюртимиз Маҳмуд Муродов мезбон спортчи Патрик Кинслга қарши октагонга кўтарилди.

Oktagon Interim камари учун кечган жанг тўлиқ давом этди.

Яқунда ҳакамларнинг яқдил қарори билан вакилимиз ғалаба қозонди.

Шу тариқа, ҳамюртимиз ўрта вазн тоифасида Oktagon промоушенининг вақтинчалик чемпионига айланди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



Дарвоқе

ДЕРАЗА ОРТИДАГИ БАХТ

Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланмоқда. Хусусан, Instagram ва TikTok сингари платформаларда инсонлар ўзларининг гўёки мукамал, бахтли ҳаёти билан бўлишмоқда. Бу эса кўп қабатли ёшларда ўз ҳаётини бошқаларники билан солиштириш, реал ҳаётдан норозилик ва руҳий тушкунлик ҳолатларини келтириб чиқармоқда.

2024 йилда Ўзбекистон Ёшлар агентлиги томонидан ўтказилган сўровномага кўра, 16–25 ёшдаги талабаларнинг 38 фоизи ижтимоий тармоқлардаги солиштиришлар ва мукамаллик иллюзияси сабаб ўзларида депрессия белгилари борлигини айтган.

АҚШдаги Pew Research Center 2023 йилги сўровномасида, 13–24 ёшли ёшларнинг 59 фоизи "ижтимоий тармоқларда кўраётган идеал ҳаётлар" уларнинг ўзини баҳолаш даражасини пасайтиратганини билдирган.

Буюк Британиядаги Royal Society for Public Health тадқиқотларига кўра, айнан Instagram ва Snapchat ёшлар

орасида ўзини паст баҳолаш, ёлғизлик ва депрессияга олиб келувчи асосий платформалар қаторига кириди.

Кембрик университетининг 2022 йилда эълон қилган ҳисоботида эса, ижтимоий тармоқларда кўришга тўғри келган 21 фоизга юқорилик қайд этилган.

Психологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Instagram ва TikTokда кўришга тўғри келган 21 фоизга юқорилик қайд этилган.

Психологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Instagram ва TikTokда кўришга тўғри келган 21 фоизга юқорилик қайд этилган.

орасида яққол кузатилади. Бу борада мутахассислар ҳам турли фикрлар билдиришмоқда.

Психолог Гулрухсор Алимова:
— Ҳар куни бошқалар бахтли ҳаёт кечираётганини кўриш инсонда табиий солиштириш эҳтиёжини пайдо қилади. Интернетдаги кўп қабатли контентлар филтёр ва маркетинг услублари орқали яратилган бўлса-да, миянинг буни реал деб қабул қилиши — тушкунликка сабаб бўлади.

Психолог ва блогер Дилноз Мансурова:
— Мижозларим орасида ижтимоий тармоқларнинг сал-

бий таъсири тўғрисида ҳаётдан завқ ололмайд қолган ёшлар кўп. Баъзилар учун "лайклар", "сторилар" ва "одамлар нима дейди?" каби тушунчалар ҳаёт мезонига айланиб улгурган. Бу эса руҳий саломатлик учун хавфли тенденциядир.

Психолог М.Абдуллаев:
— Доимий равишда бошқалар бахтли ҳаёт кечираётгани ҳақидаги контентни кузатиш, ўзини солиштириш ўзига нисбатан танқидий муносабатни кучайтиради. Руҳий саломатлик танадаги ориқдек кўринмас бўлиши мумкин, лекин унинг таъсири чўқур бўлади.

Эланора САЙФУЛЛАЕВА,
ЎЗМУ талабаси

Алдамчи! Шу сўз бўғимиздан отилиб чиқиши биланоқ кўз ўнгимизда буюк бир аперист сиймо гавадаланади. Тарих гулдиррагини орқага бир қарра "перемотка" қилиб, узоқ-узоқларга назар ташлайлик. Не-не одамларнинг бошлари ана шу гулдиррак остига рўпару келмади. Қанчадан-қанча истеъодларимиз... ёлғон кўрмай жон бердилар. Умрлари ҳибсада ўтди. Ҳўш, нега, нима учун шундай бўлди? Азбаройи АЛДАМЧИЛИК санъатини, кўзингга қараб ЁЛҒОН гапиришдек оддий эшкани билмаганликлар учун. Бир-биримизни ўта хушмуомалалик билан (билса ҳазил, билмаса чин) чўз тушириб юрадиган кунларга ҳам етиб келдик. Савол туғилади: ҳўш, чин сўзни айтолмай ширин ёлғон билан иш битириш санъати илгариям бўлганми?

Чоршанба фельетони

Айримлар билиб-билмай бу соҳага ўтган асрнинг 50-йилларида, аниқроғи, урушдан кейин асос солинди дейишса, баъзилар ундан сал кейинроқ, шўро тузumi "команда ётган" йиллари, аниқроғи, мустақиллик арафасида деб турли мулоҳазалар билдириши табиий. Алдамчилик тарихи билан чўқур шугулланган олимларнинг фикрига таянган ҳолда айтиш мумкинки, бу соҳа бизда XX аср бошларида пайдо бўлди ва йилдан-йилга ўсиб, шаклланиб келяпти.

Сир эмас, биз узоқ йиллар давомида социализмда яшаганимиз камлик қилганидек, "Коммунизм қурамыз!" деган ширин ва алдамчи ғояларга интилиб келдик ва ўзимиз сезмаган ҳолда "ёлғонизм", йўғ-е, "коммунизм"га эришдик ҳам, шекилли. Аммо, кейинги йилларда АЛДАМЧИЛИКни ривожлантириш борасида бир қатор чигалликлар пайдо бўляптики, бу ҳақда алдамасдан гапириш мумкин эмас.

Фикрларимиз тасдиғи сифатида чоратрофда бўлаётган айрим воқеаларни ҳукмингизга ҳавола этамиз.

1. Олти йилга чўзилган "инсоф"

Тахририятга Пискент тумани "Бирлик" маҳалласи "Истикбол" кўчасида яшовчи фуқаро Дониёрхон Саидхонов мурожаат қилди.

"Мен 1975 йилда Пискент туманида туғилганман, — деб ёзади у. — Отам Эргашон ака 1987 йилнинг ноябрида вафот этганлар. Онам — 1951 йил туғилган Мукамбархон Муродхонова ўша пайтда олти ўғил ва бир қиз билан қолганлар. Ўшанда ҳаммамиз бола эдик, синглим Гулчехраҳон етти ойлик гўдак эди. Отадан эрта етим қолган биз — етти болани онамиз ҳам ота, ҳам она бўлиб кўп қийинчиликлар билан вояга етказдилар. Болалигимиз далада, оғир меҳнат билан ўтди. Лекин баримиз ҳалол, меҳнаткаш бўлиб улғайдик.

Мен оилада учинчи фарзанд эдим. 1993 йили мактабни битиргач, институтларга киришга ҳаракат ҳам қилмадим, чунки онамга мададкор керак эди. Колхозга ишга кирдим.

2006 йили уйландим. Ҳозирда икки нафар ўғлим бор: бири 18, бири 15 ёшда. Сизга мурожаат қилишимга ҳозирги кунда мен ишлаб юрган ҳўжаликдаги можаро сабаб бўлди.

Мен 2019 йилнинг май ойида Пискент туманидаги "Билол — Бехруз Баракот"

шунтирдим. Аммо алдамчи етакчимиз яна сувдан куруқ чиқаверди.

Биз нарсанга ҳайронман, наҳотки бу кимсалар биронинг ҳақидан қўрқмасми? Кўл остида олти йил кетмон чопган деҳқонни хўрлаш учун бу фермер акага ким ҳуқуқ берган? Шу масалада менга ёрдам беришингизни сўрайман..."

Яқинда ариза эгаси билан учрашдик. Ўз ҳақини ундириш мақсадида кўпдан бери бир неча идоралар эшигини тақиллатишга мажбур бўлган Дониёрхон Саидхонов қозоғга сиғмаган дардларини гапириб берди. У икки ой аввал хат-ҳужжат ишларини тушунадиган ошнас билан даъво аризаси ёзиб, Фуқаролик ишлари бўйича Урта Чирчиқ туманлараро судига борибди. Суд қабулхонасидаги ходим даъво аризасини бу ҳолда қабул қилолмастлигини, чунки унга бир нечта ҳужжатлар нусхалари илова қилинмаганлигини тушунтирибди: Яъни, суд ходимининг айтиши бўйича, фермер ҳўжалиги раиси гапга кирмаса, унга почта орқа-

XIX асрда тартиб берилган «Илмлар хазинаси» («Маҳзан ал-улум») тўпламида бир ҳикоят келтирилган. Унда ёзилишича, бир киши фарзандини насиҳат тарзида «Нафсининг шундай машқ қилдири, токи у амрингга қўлоқ соладиган бўлсин!» деган экан. Шунда ўғли «Мен қайси пайтда ақлли бўлишим мумкин?» дея сўрабди. «Нафсингга ҳоким бўлганингда», деб жавоб қайтарибди ота.

Ота ҳақ. Ўз нафсини жиловлай олган кишининг кўнгли тўқ, эл олдида юзи ҳаминша ёруғ бўлади. Ўзганинг ҳақи эса буюрмайди. Ахир, халқимизда «Ўзганинг ҳақи — таннинг ўқи» деган гап бор.

Бу воқеани Жасурбек исми йигит айтиб берган эди.

Қишинг изғиринли кунлари. Тошкентдан Қаршига кетяпмиз. Мен ва яна икки талаба орқа ўриндиқда, бир барзанги олдинда ўтирарди. Сирдарёга етганда ҳайдовчи "Мен дўконга кириб чиқай, икки дақиқа ўтириб туринглар" деди-да, ма-

Сўнг бақувват кўлларини чўзиб, томоғимга олиб келди:

— Мана шундай қилиб бўғаман, тушундингми?

Унинг вазоҳатидан кўрқиб кетдим:

— Ҳа, ҳа, тушундим, айтмайман! Ҳайдовчи келди. Эътибор берсам, оддийгина бир одам. Усти-боши ажургина, кийимларининг оҳори тўқилган. Юз-кўзидан турмуш ташвишлари анчагина чарчатган кўринади. Раҳимим келди унга. Аксига олиб ҳалиги барзанги йўл бўйи ҳайдовчиники кифтини келтириб мақтар эди:

— Аммо-лекин зўр одам экансиз-ей, ака! Ҳамма тақсилчилар оёғини тираб турволди, аммо сиз эркакнинг ишини қилдингиз!

— Ҳа энди, ука, рўзгоримиз шундан. Бола-чақанинг ризиқи, уч-тўрт сўм деб юрибмиз-да! Уйдаги ҳамма товўқларни сотиб, ёнига йиққан-терганларимизни кўшиб, болаларга киши кийим-бош қилгани келган эдик. Шаҳарда қиммат экан, энди ўзимизнинг бозорлардан оламиз-да...

Ичимда нимадир чирт узилгандек бўлди. Шу онда бола-чақанин ҳалол боқиб келаётган шу оддий инсонга ҳақиқатни ошкор қилмоқ учун ўзимда жасорат тополмаганим алам қилди. Ҳаёлимда уйда кўзлари тўрт бўлиб отасининг янги кийим олиб келишини кутиб ўтирган ранглар, бечорахол болалар сиймоси гавдаланди...

Бехосдан машинанинг ён ойнасидан барзангининг кўзига кўзим тушиб қолди. У жим кетар, кўзларида заррача маъно йўқ эди. Мен унинг кўзларидаги ана шу ифодадан янада даҳшатга тушдим...

Бировнинг ҳақи кўзни кўр қилмасми-кан?

3. Дарвоқе...

Ижтимоий тармоқда кўзим тушди. "Фириб дунё "фидойилари" деган клуб ташкил этилганмиш. Бу ерда ўз нафси учун ҳеч қандай номаъқулчиликдан қайтмайдиган клуб аъзолари оддий одамларни қай усулда чўз тушириш мумкинлиги ҳақидаги ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашар эмишлар.

Яқинда "фидойи"лардан бири билан мини-интервью қилдик.

— Чекасизми?
— Йўқ.
— Ичиб турасизми?
— Йўқ.
— Аёллар билан "юрасизми?"
— Э, нима дегисиз? Ўз хотиним билан ҳам "юрмаганман-ку!"
— Шунанга денг. Одоб-ахлоқдаям "фидойи" экансиз-да!
— Фақат шу...
— Ҳўш, хўш?
— Ҳар замонда ёлғон гапириб қўядиган одатим бор...

Тўхтамурад ҲАСАНБОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

ФИРИБ ДУНЁ

"Фидойилари"

Ўкми алдамчилик "санъати"нинг ютуқ ва муаммолари ҳақида замонавий панднома

фермер ҳўжалигига сувчи бўлиб ишга кирдим. Ойлик маошим 600 минг сўм эди. Фермер ҳўжалиғи раиси Ортиқ ака Юнусов дастлабки ойларида: "Ука, ҳозирча пул йўқ эди, бўлганда оларсан", дерди-да, ведомостга — олмаган маошим учун имзони кўйдириб кетаверар эди. Мен эса, Ортиқ ака бизга бошлиқ бўлгани учун юзидан ўтолмай, ҳа энди, Худо инсоф берса, машоҳаримни тўлар деб сўролмай юравердим. Бу "инсоф" уч-тўрт ой эмас, нақд олти йилга чўзилди.

Икки йил аввал турмуш ўртоғим Раъно Саидхонова саратон касалига чалиниб қолди. Уни даволатиш учун кўп касалхоналарга бордик. Ҳозирги шароитда бу хасталикни даволатиш учун қанча маблағ кетишини ҳар қандай одам билади. Охири аёлим иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Шундай кунларда Ортиқ акадан ўзим қонуний ишлаган олти йиллик иш ҳақимни беришни илтимос қилиб бордим. У эса ҳозир иложи йўқлигини айтди. Мен унга оилам қийналиб қолганини, ҳатто уйимиз йўқлигиндан ижарада яшаганимни айтиб ту-

ли пулли буюртма хат жўнатиб, иш ҳақини аввал унинг ўзидан талаб қилиш керак, қонуний талаб бажарилмаса, иннайкейин судга мурожаат қилинади.

Дониёрхоннинг боши қотди. У — далачи. Кетмон чопиб рўзгор тебратди. Агар бир кун ишидан қолса, оиласи яна қийналиб қолиши табиий. Бу — бир. Иккинчидан, унга ҳар қандай масалада ёрдам берадиганлар ҳам — Ойдан тушмаган — ҳар ташрифи бир чойхона палов.

2. Бировнинг ҳақи


Инсоф-диёнат, ўзганинг ҳақидан ҳазар қилиш каби хислатлар қон-қонимизга сингдирилган. Кези келганда қонунлар ҳал қилолмаган нарсани ажрим қила оладиган даражадаги виждонимиз бор.

Гап бошқа ёқда: кейинги пайтларда ана шу туйғулар салгина мудраб қолмапти-микан? Бировники буюрмайди, деган гап бор. Ногаҳон толиб олганимиз ёки ноҳақдан тортиб олганимиз — ўзганинг ҳақи қа-чондир, қандайдир шаклда бошқа тарафдан ўпириб чиқиб кетади.



шинадан тушди. Ортдан ёнимдаги икки тенгдошим ҳам нимадир олгани тушишди. Машинада барзанги иккимиз қолдик. Боягилар узоқлашгач, барзанги шартта улвонинг олд қутисини очди. Мен бўйин чўзиб қарадим. Ичидан икки даста пул. Барзанги пулларни пальтосининг чўнтағига солди. Кейин ҳайратланиб қолганимни кўриб, менга ўқрайди:

— Агар чўрқ этсанг, машинадан тушганидан кейин ўлдириб кетаман!



НУРАФШОНДА Зойилмақом кеча

– Биз учун бебаҳо маданий мерос бўлган мақом санъатимиз узок йиллардан буён инсон руҳиятини, унинг дарду армонларини, эзгу интилишларини юксак пардаларда ифода этиб келмоқда. – деди Зойир Мирзаев. – Шарқ мумтоз адабиёти, илму маърифат, муқаддас инсоний қадриятлардан озикланган мақом санъати ривожига асрлар оша ўзбек халқи беқиссаси.

қўшиб келгани ва бу жараён ҳануз давом этаётгани билан биз ҳақли равишда фахрланамиз. Тафаккурнинг маҳсули бўлган "Шашмақом", ЮНЕСКО томонидан Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани чуқур маъно ва аҳамиятга эга.

Дунёнинг ҳали у, ҳали бу чеккасида мураккаб зиддиятлар, қонли тўқнашувлар ва сиёсий-мафкуравий қарама-қаршиликлар шиддатли тус олаётган бугунги кунда, минг шукурки, мамлакатимизда ҳар кун мана шундай маънавий-маърифий кечалар, концерт ва томошалар, тўй ва тантаналар бардавом. Бу шубҳасиз, тинчлик ва осейишталли-

гимиз. Яратганнинг юртимизга инъом этган файзу баракасидандир.

Қолаверса, бугунги таҳликали замонда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштириш, ёшларни юксак гуманистик руҳда тарбиялашда муҳим санъатнинг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди. Президентимиз таъбири билан айтганда, агар биз асл, ҳақиқий санъатни билмоқчи, ўрганмоқчи бўлсак, аввало мумтоз мақом санъатини билишимиз, ўрганишимиз керак. Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз



мақом санъатини кўтаришимиз керак.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда юртимизда миллий мақомчиликни ривожлантириш бўйича қатор

ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 30 августдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш ва соҳа вакиллари фаолиятини қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бундан роппа-роса бир ярим йил муқаддам вилоятда "Мақом" маркази ташкил этилган эди.

Ўтган қисқа вақт мобайнида бу ерда кўплаб маърифий-ижодий тадбирлар, танловлар ўтказилди. Мақом ансамбли бир қатор хорижий давлатларда бўлиб, ўз ичро маҳоратини намойиш этди. Мазкур мақом кечаси ҳам мана шу тадбирларнинг узвий давоми, қолаверса, вилоят мақом ансамблининг ўтган вақт мобайнидаги иждоий фаолияти сарҳисоби бўлди, десак янглишмаймиз. Айниқса, машҳур мақом ансамбллари, таниқли хонандалар, чолғучилар, адабиёт ва маданият соҳасининг маҳоратли вакиллари томонидан янграган куй-қўшиқлар йилгиланларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, маданий кечада зиёкорлар, шоир ва ёзувчилар ўз ижод намуналаридан ўқиб, мақом санъатининг фалсафий илдизлари, унинг тарихий аҳамияти ҳақида илиқ фикрлар билдиришди.

Меҳридин ИБРАГИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Shahboz NIZOMIDDINOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Behzod QOBULOV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Nozima RASULOVA

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 19.20.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-635.

4 170 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taqob. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

▼ "Dolzarb 90 kun"

O'QUVCHILAR SHODMON BO'LISHDI



Bekobod tumanidagi 1-, 7-, 9-umumta'lim maktablarida Respublika Ma'naviyat va ma'rifati markazi nashri – "Ma'naviyat bilan uchrashuv" jurnali ijodiy xodimlari bilan uchrashuv tashkil etildi.



Ma'rifiy kechada Yozuvchilar uyushmasi a'zosi, taniqli shoir, "Do'stlik" ordeni sohibi Shodmonqul Salom hamda qator ijodkorlar ishtirok etib, o'quvchilarga o'zlarining yangi ijod namunalari haqida etishdi. Bundan tashqari, Yozuvchilar uyushmasi tomonidan tayyorlangan 300 ta badiiy kitoblarni to'plami maktab kutubxonasiga sovg'a qilindi.

Shuningdek, tadbirda viloyat AOKA boshqarmasi boshlig'i Shahboz Nizomiddinov qatnashib, "Dolzarb 90 kun" doirasida tashkil etilayotgan madaniy tadbirning ahamiyati haqida iliq fikrlar bildirdi.

Sultonboy DEHQONOV

Бугунги кундаги энг яхши маърифий ва мафкуравий ташвиқот воситаларидан бири кино ва телефильмлардир. Улар яхшигина даромад манбаи ҳам. Масалан, АҚШ киносаноатидан 2024 йилда 8,5 млрд., Хитой ташкилидан 5,82 млрд., Ҳиндистон 1,42 млрд., Буюк Британия ва Ирландия 1,27 млрд., Жанубий Корея 900 миллион, Франция 1,1 млрд. доллар даромад қилган. Хўш, бу катта маблағлар ортида қандай омиллар турибди?

▼ Нуқтаи назар

воқеалари. Эҳ, савия! Йилга десанг йилгиланмайсан, кулай десанг, аҳволга ачинасан...

Ўзимизни ишлаётгандай кўрсатаётганимиз, бунга ҳаммани ишонтиришга уринаётганимиз, албатта, яхши! Лекин, ўнгкўз зиёлиларимиз кўриб-билиб туришибди. Бунақаси кетмайди-да!

Агар, киносаноати ривожланган давлатларда биздаги бор адабиёт ва тарих бўлганда, эҳ-ҳе...

Шоир Муҳаммад Юсуф ҳам "Уртоқ "Ўзбекфильм", халқинг кутар

нинг "Кейинги пайтларда негадир экранларимизда «Темир хотин», «Кичкина табиб», «Абдуллажон»га ўхшаган «юки бор» киноасарларни кўрмаймиз. Аксарият фильмларнинг мавзуси оилавий "оҳ-воҳ"лар, қайнона-келин, қиз узатиш, ўғил уйлантиришдаги муаммолар..." деган саволига қуйдагича жавоб беради:

– Мен ҳам дастлаб ўзбек киносининг аҳволини кўриб, ҳамма айб ижодкорларда, деб юрдим. Бошимга тушгандан сўнггина билдим. Энди бу ҳақда очик гапириш мумкин. Кейинги тахминан ўн йил ичида менинг бир эмас, икки эмас, нақ олти сценарийим «Ўзбекино» томонидан рад этилди. Худо соғлиқ бериб турса, ҳали кў-ўп қилинмайдиган асарлар ёзаман. «Ер барибир айланаверади» деган асарим ҳам навбат кутяпти, лекин Худо хоҳласа, у ҳам қабул қилинмайди.

Ижод ва нажот

ҳамма соҳада профессионал ёндашув бўлиши керакда.

Президентимиз бу масалада бир неча марта куйиниб гапирди. Соҳа раҳбарлари ҳар сафар чиройли нутқлар сўзлашди. Лекин... натижа қани?

Баъзан матбуотда фалон фильмини ишлашга катта маблағ ажратилгани ҳақидаги хабарларни ўқиб қоламиз. Қани ўша миллиардларнинг натижаси? Фильм ишлангач, унинг рекламасио пиарига гап йўқ. Аммо...

Мисол учун сўнгги йилларда ишланган, "Илҳақ", "Ибрат", "Авлоний", "Испомхўжа", "Султон Жалолиддин" фильмларини олайлик. Барининг овозаси оламни тутди. Лекин, улар орасида икки ва ундан кўп марта томоша қилингани қайси?

Яхши фильм эса ҳар сафар мухлисга нимадир бераверади. Япон режиссёри Акира Куросава айтганидек: "Агар сиз кино орқали инсон қалбига йўл топа олмагансиз, сиз фильм яратган эмассиз". Нақадар ҳақ гап. Оддий мисол, ўша пайтларда ишланган ўзимизнинг "Ўткан кунлар", "Шум бола", "Маҳаллада дув-дув гап", "Ер-ёр", "Суюнчи", "Келинлар кўзголини", "Абдуллажон" фильмларини олай-



"Иннайкейинчи?", "Сиз ўшамми?", "Мана бу раис учун...", "Абдуллажон, шакарсан, шакар!..."

Бу гапларни айтган қахрамонлар кўпчилигимизга таниш. Адашмасам, "Султон Жалолиддин" фильмининг илк қисмларидан бирида Чингизхоннинг ўғли тилидан "Томоғиндан дарча очиб кўяман", деган сазъ ва тутуриқсиз гап янграган. Мана шу ерда бор қизиқишим тугаган. Муҳаррирлар бу гапни қандай утқишишган экан, дейман. Ёки даража ҳам шу гапга мосми, дея ўйлаб қолам.

Энди телесериаллару теленовелларда қахрамонлар тилидан янграётган ўта бақкана гап-сўзлар ва хом-хатала фикрларни кўриб, одамнинг гаши келади. Қайнона-келин можароси, еттинчи хотун ўн бешинчи ўйнашининг фоти бўлиш

сўз!" деб ёзирган эди бир пайтлар. Шейр ёзилганига ўттиз олти йил бўлибди. Лекин ҳали ҳам ўзгариш бўлмагани кишини таассуфга солади.

Эслайсизми, шейрда шундай мисрлар бор эди:
Темирлар йилгади,
симлар йилгади,
Кесақлар куйлади –
бир уйланмадине.
Тугади сабрине

барча муҳлати,
Бардошлар тугади –
сен ўзгармадине.

Бизни ҳам шу савол қийнапти – қачон ўзгариш бўларкин? Шу кунларни кўришга насиб қилармикан? Бундан бир неча йиллар аввал "Тошкент ҳақиқати" газетасида "Емон кўришга арзимайдиган одам" сарлавҳали мақола босилган эди. Унда мақола қахрамони, таниқли ёзувчи Шароф Бошбеков муҳбири